

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (11.405)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛИ МЁН БАК 10 МАЙ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корейя ўртасидаги масофа анча узоқ. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат мавжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади. Ўзбекистон — Корейя муносабатларининг бугунги ҳолати бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Ли Мён Бакнинг ушбу ташрифини олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Чунки 2008 йилнинг ўзига Ўзбекистон ва Жанубий Корейя Президентлари икки марта учрашган.

Давлатлараро муносабатлар ривожланиш йўлидан борар экан, турли макомдаги мулоқотлар изчил давом этаверади. Зеро, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат ишончли шериклар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Жанубий Корейя раҳбарияти ҳамфикр эканига, муносабатлар негизда ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат муассамлигига Ли Мён Бакнинг мазкур ташрифи ёрқин далилдир.

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корейя Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорув саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилди, давлат мадҳиялари янгради. Ислон Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қорув сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яқма-яққа суҳбати бўлди. Ислон Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иштирокига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корейя Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далили эканини, айна пайтда Тошкент ҳам Сеул билан ҳамкорлик алоқаларини юксак кадрларини таъкидлади.

Ли Мён Бак Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини юзасидан афрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхтадилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корейя халқаро сийosat майдонида бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон БМТ органлари, жумладан, Бош қотиб лавозимида Корейя Республикасининг номзодларини ёқлаган. Жанубий Корейя Осиёда ҳамкор-

лик бўйича мулоқот ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда Ўзбекистонни, «Sky Team» сафининг жой олишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини қўллаб-қувватлаган. Умуман, сиёсий ҳамкорлик — икки мамлакат раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ташқи сийosat маҳамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Тошкент Сеулнинг Корейя яриморлидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корейя Республикаси раҳбариятининг «Янги Осиё дипломатияси» ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси — Марказий Осиё ядро қуролдан холи ҳудудга айлангани Сеулда юксак кадрларни.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корейя нефть-газ, қончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корейя қўшма кўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларини янги қирраларини очиб, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро кўмита тузилган.

Ислон Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўрисидаги қўшма декларация рўҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корейя ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корейя Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Айниқса, нефть-газ, қончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта-катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизда барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги кўпталараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва орталади, тақсимланади, махсус оғборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўлинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Жанубий Корейядан лизинг асосида иккита «А 300-600 F» юк

самолёти олиб, логистика маркази ихтиёрига берди. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилди. Қирқ тоннагача юк кўтарадиган «А 300-600 F» самолётлари етти минг километр масофа тўхтамасдан босиб ўта олади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. Жорий йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Корейялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан афрофлича таништирилди. Натижда умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон айнан Жанубий Корейя билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг муркаб, энг илгор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулот юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини ўзлаштириб, дунёдаги санқли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корейя ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганни таъкидлаш жоиз. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд кўрсаткичи — 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда 351 та Ўзбекистон — Жанубий Корейя қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Музокарада Ислон Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Корейянинг салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Корейя Республикаси Президенти Ўзбекистонга нуфузли корейс ишбилармонларининг йирик делегацияси билан бирга келганининг боиси ҳам шунда. Музокарада имкониятларни тўла ишга солиш масалалари афрофлича муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидланди. 1992 йилдан Тошкентда Корейя таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда «Ўзбекистон — Корейя» касбга тайёрлаш марказини очиб лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 нафар йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича тахсил олади.

(Давоми 2-бетда).

Корейя Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 11 май кунини пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корейя ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корейя Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озик-овқат, кимё, энгил саноат, тўқимачилик, мебеласозлик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сурғута, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сэйбхлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корейя Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Сон Кёнг Шик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қаторида иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очибга хизмат қилишини таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корейя Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамоат фондининг 2008 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда 2009 йилги истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди.
- Кеча Тошкентда Гидротехник иншоотлар фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган минтақавий ўқув курси бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат сув хўжалиги нazorати инспекцияси ҳамда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ўқув дастурида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон давлатларининг йирик сув хўжалиги объектилари раҳбарлари, соҳа мутахассислари қатнашмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Сиз Ватан ардоғидасиз!» мавзусида учрашув ташкил этилди.
- Фарғонада Андижон ва Наманган вилоятларининг паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди.
- Қаршида бўлиб ўтган саноат ярмаркасида ушбу минтақа иқтисодиётининг ривожланиб бораётганини кўзга ташланди. Ярмарканинг биринчи кунидек 15 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.
- Фарғона аэропортига Россиянинг «Атлант-Союз» авиакомпаниясига қарашли самолёт келиб қўнди. Бу халқаро рейс «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда Россиянинг «Росавиа» давлат корхонаси ўртасида келишувга биноан йўлга қўйилди. Энди янги рейс бўйича ҳаво кемаи ҳафтанинг ҳар душанба кунини кечкурун Фарғонадан Москвага мунтазам парвоз қилади.
- Самарқанд туманидаги «Истиқлол» масъулияти чекланган жамиятида кунига 1,5 тонна сут қайта ишланиб, 11 турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Яқинда бу ерда маҳсулот турлари кўпайтирилиб, 15 тага етказилди. Корхона фаолиятининг кенгайтириш ҳисобига 10 та янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқ масалалари бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Яқин Шарқда тинчликни таъминлаш юзасидан музокараларни қайта тиклаш тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилдилар.
- Кеча Тбилисида Грузия муҳолифатларининг тўрт нафар етакчиси ҳамда мамлакат президенти Михаил Саакашвили ўртасида бўлиб ўтган музокаралар самарасиз якунланди.
- Кеча Канаверал кўрфазидида АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган «Атлантис» космик кемаси еттидани астронавт билан қонинот парвоз қилди.
- Шри-Ланка шимолида ҳукумат ҳарбий кучлари томонидан «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи ташкилоти жангариларига қарши амалга оширилган амалиётлар натижасида бир неча юзлаб тинч аҳоли ҳалок бўлди. БМТ Шри Ланка ҳарбийларининг бу хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралади.
- Дунёдаги йирик автомобилсизлик корпорацияларидан бири — «Toyota Motor Corp»нинг ҳисобот даврида катта миқдорда зарар кўргани маълум қилинди. Тахлил натижаларига кўра, корхона ўтган бир йилни 4,4 миллиард АҚШ долларини миқдорда зарар билан якунлаган. Бу унинг фаолиятида сўнгги кўпмиш йил ичида кузатилган илк зараридир.
- Кеча Тбилиси шаҳри яқинидаги ҳарбий базада НАТО иштирокидаги ҳарбий йиғинлар бошланди. Унда НАТОга аъзо 9 та мамлакат ҳамда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича бешта мамлакат ҳарбийлари иштирок этмоқда.
- МАГАТЭ экспертлари ўтган йили Мисрнинг Иншас шаҳрида жойлашган илмий ишлаб чиқариш муассасаси ҳудудда юқори даражада бойитилган уран моддаси қолдиқларига дуч келишган эди. Айна кунда МАГАТЭ мутахассислари томонидан ҳудудда уран қолдиқининг пайдо бўлиши юзасидан таҳлиллар олиб борилмоқда. Мутахассис олимларни Иншасда топилган уран қолдиқлари ядровий қурол яратиш учун яроқли бўлган бўлмагани қизиқтирмоқда.
- 2007 йилда рўй берган кучли зилзила туфайли фаолияти тўхтатилган Япониядаги энг йирик атом электр станцияларидан бирининг 7-блоки қайтадан ишга туширилди.
- Хитойнинг Гуандун музофотида бўлиб ўтган йирик Кантон ярмаркасида док-наикоблар ва чўчка гриппи вирусига қарши тиббий препаратлар энг харидориги маҳсулотлар бўлди. Док-наикобларнинг баҳоси уч юз фоизга ортиб кетди. Айтиш кераки, ушбу ярмаркада дунёнинг турли мамлакатларидан 17 мингдан ортиқ компания ва фирмалар иштирок эттиди.

(Давоми 2-бетда).

ИТАЛИЯДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ НАШР ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримовнинг «Жаҳон моллиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби Италия жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

барнинг оқиллиги нафақат ҳар қандай кўламадаги қийинчиликларни бартараф этиш билан, балки унинг олдини олувчи чоралар қабул қилишда ҳам кўри-нишини таъкидлади. А. Палладинонинг сўзларига кўра, «Президент Ислон Каримов ўзида ушбу сифатларини тўлиқ намойиш этди. Ҳали дунёда содир бўлиши мумкин бўлган инқироз ҳақида гап бошланган 2008 йилдаёқ Ўзбекистонда мамлакатни инқироз бўҳронидан олиб чиқишга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинган эди».

«ВСС» банки бош директори Р. Албанезе Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўра олган сийosати эвазига мамлакатда банк институтларининг фаол ва муваффақиятли фаолиятини юритиш учун мустаҳкам асос яратилганини қайд этди. Унинг фикрига кўра, «Ўзбекистоннинг глобал инқироз шароитида кичик бизнесга микрокредитлар ажратиш тажрибаси эътибор билан ўрганилишига муносиб. Бу мамлакатда нафақат банклар фаолиятини қўллаб-қувватлашга, балки банк тизимини фаоллаштиришга хизмат қиладиган

қулай асос яратилганлигини кўрсатади».

«Артур ЛТД» энергетик компанияси президенти Л. Маджи хоним ўзининг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ижобий тажрибаси билан ўртоқлашар экан, дунёдаги бой энергетика ресурслари, қимматбаҳо металллар, уран захиралари, пахта толаси экспорти бўйича етакчи мамлакатлардан бири саналган Ўзбекистон «осон йўлни танламади, ўз иқтисодиёти ривожини фақат стратегик хом ашёлар экспортига йўналтирмади», дея

таъкидлайди. Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов мустақилликни эълон қилган пайтдан бошлаб иқтисодийни ислоҳ қилиш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган мақсадли сийosат олиб борди. Натижда эса, мамлакатда нафақат инқироз оқибатида юзага келадиган зарарлардан ҳимояланишга, балки иқтисодий тараққиёт асосини шакллантиришга ҳам эришилди».

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Президенти асарининг «Атес Графика» нашриёт уйи томонидан италян тилида чоп этилиши бунинг далили бўла олади. Китобга шунингдек, танқидли италиялик экспертлар, ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларининг асар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам киритилган.

Салерно шаҳрида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Кампания ҳудуди раҳбарияти, ҳудуддаги шаҳарлар ҳокимлари, экспертлар, ижтимоий ва иқтисодий доиралар, шунингдек, Европанинг «SKY» телевидениеси Италия бўлиниси, «News» радиоканали ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Салерно провинцияси вице-президенти А. Палладино раҳ-

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

1999 йили Тошкентда очилган «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестивал, кўргазма, концерт ва бошқа кўлаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган «Марказий Осиё нафосати» фотокўргазмаси, «Сундиёна» ансамблининг «Ипак йўли руҳияти» концерти, «Ипак йўли» фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созанда-лар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тараққилари» халқаро мусиқа фестивалида доим фаол иштирок этади.

Мулоқот чоғида бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Музокара якунида Ислон Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баённотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида дипломатик паспортуга эга фуқароларнинг визасиз сафар қилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Жанубий Корея Экспорт-Импорт банки ўртасида Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш

жамғармаси (Корея Эксимбанки) томонидан «В.Воҳидов номидидаги жарроҳлик марказини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш» лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ доллари миқдоридида имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Саноат мажмуалари корпорацияси ўртасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Корея сармоясини жалб қилишнинг қўшма чора-тадбирлари тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси билан Корея миллий нефть корпорацияси ўртасида биргаликда Фарғона минтақасида сармоявий блок ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида музокаралар самимий руҳда, ишчан кайфиятда ўтгани, эришилган келишувлар икки мамлакат тараққиётига, Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

— Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа, икки мамлакатда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга интилиш бир хилда кучли эканининг яна

бир тасдиғидир, — деди Ислон Каримов. — 2008 йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб 80 фоиз ўсгани, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган Жанубий Корея сармоясини муттасил ортиб бораётгани ҳамкорликнинг суръатини яққол кўрсатиб турибди.

— Ўзбекистон Республикаси Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги муҳим шеригидир, — деди Ли Мён Бак. — Музокарада икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдик. Қўрилган масалалар юзасидан фикримиз бир жойдан чиқди. Бу бизни қувонтиради. Дунёда иқтисодий инкироз ҳужм сураётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Бу Президент Ислон Каримов юритаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонидаги ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муста-

қиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Олий мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишлари билан танишиб, у том маънода ўзбек халқи хурриятининг тисмолига айланганини қайд этди.

Ли Мён Бак, шунингдек, Хотира майдонини зиёрат қилди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган «Хотира китоби» билан танишди.

Икки мамлакат Президентлари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Жанубий Корея раҳбари ушбу олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди, университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди. Университет замонавий жиҳозланганига, талабалар учун яратилган шароитга юксак баҳо берди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакка Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берилди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири

Маънавият

Ўқув муассасаларида қўл келмоқда

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан босмага тайёрланаётган тўпламлар алоқа тизимининг турли масалаларига бағишланмоқда. «Такомиллашган диаметричалар алгебралари ва параметрли алгебра асосида криптограммалар яратиш усуллари ва алгоритмлари» деб номланган тадқиқот ҳам чоп этилди.

Ушбу қўлланмада республикамизда ахборот ва коммуникация тизимларининг ахборот хавфсизлиги муассасалари билан боғлиқ қатор масалалар ўз ифодасини топди. Янги нашр ўқув муассасаларида криптография фанидан пухта билим олишда ҳам қўл келмоқда.

ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Мумтоз адабиётимизнинг улкан намояндаси Бобур Мирзо ижодини ўрганиш жараёнларида қатор янги тадқиқотлар юзга келди.

«Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хиндистонда ҳукмронлик қилган темурийлар шажараси» деб номланган йирик илмий иш ҳам Бобур ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу янги нашрда талайгина темурий ҳукмдорларнинг расмлари ҳам китобхон эътиборига ҳавола қилинди. Уни босмага тайёрлашда Бобур халқаро фонди яқиндан бош қўшди.

МУЗЕЙ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Тошкент телеминорасига кираверишда мўъжаз музей жойлашган. Унинг экспозициясида дунёдаги 22 та улкан минора макети ўз аксини топган.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан музей янги жиҳозлар билан бойиди. Булар Тошкент телеминорасига бағишлаб суратга олинган ҳужжатли фильмда ҳам ёритилди. Мазкур экран асари телеминоралар ташрифи буюрувчиларга ҳам мунтазам кўрсатилмоқда.

Замира ХОЛБОЕВА

Транспорт

«ШАРҚ» ХИЗМАТИ МАНЗУР

Мамлакатимиз темир йўл тизимида тезорар поездлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Тошкент-Бухоро-Тошкент йўналишида қатнаётган «Шарқ» тезорар поезди хизматидан ҳам йўловчилар мамнун.

Бу поезд орқали кўлаб йўловчилар қатнаб, уларнинг узоғи яқин бўлмоқда. Шаҳарлараро қатнаётган «Шарқ» поездида намунали хизмат кўрсатиш учун барча қўлайликлар мавжуд. Асосан ўн та вагондан иборат поезда йўловчилар олти ярим соатда манзилларига етказилмоқда. Қолаверса, байрам арафаларида аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, поезда яна қўшимча вагонлар қўшилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Шу боис «Шарқ»қа қизиқиш ортиб бормоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигига ўн йил тўлди.

Ушбу қонунчилик ҳужжати мамлакатимизда темир йўл тармоғини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берган.

Ўтган шу давр ичида мамлакатимизда транспортнинг бу соҳаси бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Темир йўл транспорти коммуникацияси тармоғи кенгайиб, республикамизнинг олис туманлари ва аҳоли манзилгоҳлари ўзаро боғланиб, уларнинг халқаро транспорт тизимларига улашиши таъминланди.

Қонун ўлкаимизнинг табиий ва минерал хом ашё захираларидан самарали фойдаланишда асос яратди.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касоба уюшмалари марказий кенгаши томонидан «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа назоратини энг яхши ташкил этиш» борасида ўтказилган кўрик-танловда қатор корхоналар голибликни қўлга киритди.

«Тошкент метрополитени» жамоаси ҳам бу беллашувда фаоллик кўрсатди. Тошкент метросининг электромеханика хизмати бошқармаси электр механика ҳамда йўл хизмати бошқармаси йўлсозловчилари вакиллари эса «Йилнинг энг яхши меҳнат муҳофазаси вақили» деб топилдилар.

Акбар АЛИЕВ

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қўлай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўлаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса Ўзбекистон — Корея иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 91 та компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Юртимизга Жанубий Кореянинг кўлаб йирик фирм ва компанияларидан юздан зиёд вакил келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қўлай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайти-

ришга эътиборини қучайтираётганидан далолатдир.

Форумда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобилсозлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик янги ички махсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланаётган мамлакат. Биз юртингда ишбилармонлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, — деди Сон Кёнг Шик. — Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Дунёда иқтисодий инкироз ҳужм сураётганига қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб

бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бизнес-форумда Жанубий Корея фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хусусан, «Кейби», «Сеун Сталь», «Хюндай Мотор», «Кореан Эйр», «Хаинтекс», «Роуд Интернэйшнл», «Дэу Интернэйшнл», «Донгиль Констракшн» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридидаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида нефть-газ, мебелсозлик, электрон махсулотлар, қурилиш, тўқимачилик, минерал ресурслар, фан-таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Корея Ахборот технологиялари маркази мамлакатларимиз ўртасида бу йўналишдаги ҳамкорлик жадал тараққий этаётганига бир мисолдир.

нинг барчаси талабалар билимини янада мустаҳкамлашга, ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилаётди.

Марказ мутахассислари ва тингловчилари ҳамкорликда 2008 йили UzBoooy 1.0, жорий йилнинг февраль ойида эса UzMOT 1.0 — Ўзбек миллий операция тизимларини яратди.

Айни вақтда қатор мактаб ва коллежлар, идора ва ташкилотлар мазкур тизимлардан фой-

даланмоқда. «Linux» гуруҳига қирувчи бу тизимлар фойдаланувчини дастурлаш оламига етказди. Унда ишлаган мижоз дастурини ўзи хоҳлаганидек кенгайтириши, такомиллаштириши мумкин.

— Ўзбекистон — Корея Ахборот технологиялари маркази ташкил этилгани мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг амалий натижаларидандир, — дейди Ўзбеки-

тон — Корея Ахборот технологиялари маркази директори Ким Сунг Су. — Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан бирга яна кўлаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида-миз. Ўзаро маслаҳатлашиш, тажриба алмашиш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги икки томонлама

алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, мазкур марказ Тошкент ахборот технологиялари университетининг Жанубий Кореядаги олий таълим муассасалари билан алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда ушбу университет билан Сеул, Хосею, Яонган каби йирик олий ўқув юрталари ўртасида алоқа йўлга қўйилган. Бунинг натижаси ўлароқ, Тошкент ахборот технологиялари университетида «Интернет Плаза» ахборот технологиялари маркази очилди. У замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган синфхона, юқори тезликдаги интернет ва конференция залларини ўз ичига олади.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

ИТАЛИЯДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ НАШР ҚИЛИНДИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Италиянинг Осиё ва Урта Ер денгизини институтини бош қотиби, «Италия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси қотиби А. Локе ўз мулоҳазаларини шундай ифodalади: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ёрқин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади, ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарарлари ҳамда тажрибасини намоян этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзга келган фавуқлода жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислон Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий ва молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инкироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инкироз юзга келганда унинг салбий оқибатларини енгилаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифodalаб беради.

Г20 гуруҳига қирувчи давлатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инкирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан қучлироқ назорат ўрнатиш борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва Президент Ислон Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ ҳўжалик тармоғида, банк тизимида, кичик корхоналарни кўлаб-қувватлаш ва рақобатдошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ

таъминлиниши ва қаровчисини йўқотган оилалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий кўлаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оширилиши аллақачон бошланган инкирозга қарши танланган чоралари тўғрисидаги кўрсатди.

Ўзбекистон молия тизими ҳақидаги нуфузли халқаро молия агентликлари томонидан яқинда эълон қилинган барча хулосалар мамлакат ҳукумати томонидан танланган йўлнинг тўғри эканлигига ёрқин далилдир.

Мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилиши бошланган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон учун келгуси режаларининг асосий йўналишларини ҳам намоян этади: тезкор техник ва технология модернизациялашдан то экспорт қилувчи корхоналарни кўлаб-қувватлаш бўйича аниқ чораларни қабул қилишгача; тежамкорлик ва ишлаб чиқариш харажатлари назоратини янада қучайтириш сиёсати, энергетика соҳасига инновация жалб қилинишини ошириш бўйича тадбирлардан то саноат махсулотлари ишлаб чиқариши ва ички бозорни ривожлантиришга қўмаклашиш учун ички талабни доимий рағбатлантиришгача.

Иқтисодий дастурда асосий устуворлик стратегик тузилмавий ислохотлар ва саноатни диверсификация қилиш орқали мамлакатнинг рақобатдошлигини ва аҳоли ҳаёт даражасини ошириш бўлиб қолаверади.

Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи ўрни, халқаро нуфузи, йирик халқаро институтлар фаолиятидаги аҳамияти, унинг раҳбари юксак эҳтиром ва эътирофга сазоворлиги халқаро майдонда маълум ва ушбу мамлакатнинг ёрқин истиқболини кўриш имконини беради», — дея таъкидлайди италиялик эксперт А. Локе.

«Жаҳон» АА



РЕСПУБЛИКА

Маънавият тарғибот маркази, Фахрийларни кўлаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси ҳамкорликларида шахримиздаги олий ўқув юрталари талабалари ва фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбир «Уч авлод учрашуви» деб номланди.

● ЧИЛОНЗОР туманидаги «Чилонзор» маҳалласида «Хотира муқаддас — кадрлар бурчимиз» мавзусида уюштирилган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» тадбири ўтказилди.

● СЕРГЕЛИ туманида туманда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирокида «Аж-

додларни қўлайимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ШАХРИМИЗДАГИ

21-болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Болалик баҳори» фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи голиблари тақдирланди.

● ТУРКИСТОН саройида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган «Истиклол юлдузчалари» фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Санъат

НАВОЛАРДА ГЎЗАЛ ТУЙГУЛАР МАВЖИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, АЁЛЛАР ОРАСИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БИРИНЧИ БАСТАКОР ШОҲИДА ШОЙМАРДОНОВНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Шохида Шоймардонова уйғур ва ўзбек халқларининг муслик меросига таяниб, Осиё ва рус мумтоз муслик санъатининг жанр ва шакл қонун-қоидаларини ўзлаштириш орқали бастакор сифатида шаклланди, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Дастлабки ижод палласида гобой ва фортепиано учун «Сонатина», торли квартет, фортепиано учун пьесалар, Алишер Навоий ва уйғур шоири Нимшаҳид шеърларига миллий руҳ билан суғорилган ашула ва романслар яратди. Виолончель ва фортепиано учун соната, симфонietta, симфония, «Тут сояси» номли мусликали радиоспектакль ва айниқса Зулфия сўзига ёзган «Озод шарқ ахли» номли кантаталари бастакорга катта шухрат келтирди. Асосийси, ўзбек ва уйғур қўшиқчилиги раванга баракали ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги эстрада-симфоник оркестри, дуторчилар ансамбли, ўзбек халқ чолғулари оркестри хонандалари учун 100 дан ортқ қўшиқлар яратди. Шу жумладан, «Келсам», «Кўкларим», «Фарёд», «Нигоримга», «Кўрдим юзингни», «Уйғур қиз», «Фарзандим», «Ватаним», «Шодлик» каби қўшиқлари машҳур хонандалар репертуаридан мустаҳкам жой олди.

Шохида опа ҳақида ҳар қанча мақтовли сўз ҳам камлик қилади. Энг муҳими, унинг куй ва қўшиқ яратиш соҳасида ўзига хос ўрни бор. Бастакорлар орасида Ш.Шоймардонова изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги билан алоҳида ажралиб туради. Биз Бастакорлар уюшмасининг аъзолари номидан Шохида опага узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва энг гўзал қўшиқлар яратишида ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Дарҳақиқат, олтими ёшани қаршилаган Шохида Шоймардонованинги муслика оламида ўзига хос ўрни ва йўналиши бор. Унинг номи нафақат республикамизда, балки Москва, Олмаота, Бишкек, Душанбе, Таллин, Тарту, Тверь, Урумчи, Қашқар каби шаҳарлар муслика шинавандаларига яхши таниш. Иқтидорли бастакор ҳақида Аҳмед Жабборов «Композитор Шахида Шоймардонова» номли монография ёзди. Мазкур китобда бастакорнинг бутун ижодий фаолияти ва яратган куй, қўшиқлари бирма-бир тилга олинган.

Ижодий кечада Шохида опанинги шоғирдлари, яқинлари, машҳур хонандалар ва бастакорлар, олимлар сўзга чиқиб, бастакорни қутлуг ёши билан муборакбод этдилар.

Кечада Ш.Шоймардонова яратган куй

ва қўшиқлардан тузилган концерт дастури ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Концерт дастурида, «Дуторингни кўлга ол», «Гулимини тит-



КОМПОЗИТОР ШОҲИДА ШОЙМАРДОНОВА ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ма», «Муҳаббат навоси», «Кўкда чакнар юлдузим», «Кўзи шахло», «Дилга дил пайванд», «Ягона гулим» каби дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Ўзбекистон халқ артистлари Замира Суюнова, Муяссар Раззоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Бекжонова ижросидаги ширали қўшиқлар барча йилгиларга хушнуд кайфият бағишлади.



— Мен бугун жуда бахтиёрман, — дейди Шохида Шоймардонова. — Муслика менинги ҳаётимга нур ва бахтиёрлик олиб кирди. Унинг майин наволари орқали инсон бахтини, шодлигини, аламу изтиробини янада чуқурроқ англадим. Ҳар бир яратган куй ва қўшиғим замирида эзгулик ва яхшилик, ишонч ва бирдамлик, гўзаллик туйғулари мужассамдир. Зеро, инсон ҳамиша яхшиликнинг, нафосатнинг кучи билан яшайди. Шоғирдларим камолини қўриб қувонаман, умрим лаҳзалари фақатгина эзгуликка хизмат қилганидан шодланаман. Куй ва қўшиқларимда янграган наволар эса, халқимнинг юрагидаги гўзал туйғулар мавжидир.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: ижодий кечадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Англиялик «Siam» дизайнерлик гуруҳи дунёда ягона бўлган «учтаси бирда» усулидаги эшикни яратишди. Унинг номи эса «TheeStyle»-дир. Бу лойиҳа ҳар бир оила аъзоси учун мўлжалланган эшик муаммосини ечишга ёрдам беради. Бундан ташқари эшикнинг хизмат қилиш муддати давомида унинг ўлчами оилада катта бўлаётган бола билан биргаликда ўсиши мумкин. Эшикни ўрнатиш қийинчилик туғдирмайди. Харидорлар унинг рангини ўзлари танлашлари мумкин. Унинг нархи ҳақида ҳали маълум қилинмапти.

● Лондондаги Биг-Бен минораси ёнида Темза дарёси соҳилида оқ айиқлар пайдо бўлиб қолди. Лекин бу шаҳарликларнинг хавотирланишларига асос бўлмайди. Чунки 6 метрли хайкал ўрнатиладиган махсус супа ва ҳайвонлар муздан ясалган. Ярим тонналик хайкал англияликларнинг эътиборига тушиши аниқ.

● Италиядаги Верона шаҳри маъмурлари «Ромео ва Жульетта» пьесаси воқеалари бўлиб ўтган шаҳар услубини мустаҳкамлаб, уни романтик севгининг маркази сифатида танитишмоқчи. Жульетта Ромеонинг дил изҳорини эшитган айвонни никоҳ маросимлари ўтказиш учун ижарага бериш йўлга қўйилади. Албатта бу арзонга тушмайди. Верона аҳолиси учун 700 доллар бўлса, бошқалар учун эса бу 1300 долларга айланиши мумкин.

● Инсон ўзининг эгизагини қўриши жудаям қизиқ! Японияда робот ҳолида ўз қўринишингизни яратиш имконияти туғилди. Бундай ўйинчоқ билан нафақат ўйнаш, балки суҳбатлашиш ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари у сизнинг овозингиз ва оҳангингизни ўхшатиб бериши ҳам мумкин.

● The Skarab антика автомобиль ҳисобланади. У битта ҳайдовчига мўлжалланган бўлиб, ишлаш режими ҳам оддий. Шунингдек машинани қўйиш қийинчилик туғдирмайди ҳам.

● Таллин полициячилари ую казинони ўғирлашда гумон қилинаётган жиноятчини қўлга олишди. Қизиғи эса жиноятчи бундай антика йўл билан оила бюджетини тўлдирётган ёш, оилали аёл экан. Қўлга олинган аёл кундузи ишга бориб, фарзанд тарбияси билан шуғулланиб, кечқурун бўлса молиявий томондан аҳолини ўғрилик билан тўлдирар экан. Полициячиларнинг айтишича, ёш аёл ўз ишини қора никоьбда ва ўқ отадиган қурол ёрдамида амалга оширган. У қўлга тушгунча қадар тўрт минг доллар ўғирлашга муваффақ бўлди. Аввал бундай жиноий ишларга қўл урмаган. Никоьбли аёлнинг айтишича, бундай ишга оилдаги етишмовчилик сабаб бўлган.

● Таиландда яшовчи киши ўзи боқаётган маймун тарафидан ўлдирилган. Бунга сабаб эса унинг хўжайини пальма дарахтига чиқиб кокос теришга мажбур қилганлигида экан. Терилган кокосларни хўжайин сотиб тирикчилик қилган. Агарда унинг шартига жонот қўлмасса, уни аёвсиз урган. Бундай ишлардан қарчаган маймун хўжайинининг бошига ёнғоқ ташлайди. Оқибатда эса унинг ўлимга сабабчи бўлди. Олимлар бундай жиноятни маймун аввалдан режалаштирган, дея таъкидлашмоқда.

● Албанияда истиқомат қилувчи аёл ухлаб ётганида яраланган эди. Орадан 12 йил ўтиб рентген тасвирлари унинг ёноғида ўқ қолиб кетгани билан яшаб келганлигини кўрсатди. Бундан 12 йил аввал, яъни 1997 йили, Албания тартибсизликлар ўчоғи гирдобда қолган пайтларда Мрик Ручаж исмли аёл тўшақда ётган ҳолида яраланган эди. Ўшанда уни қўздан кечирган шифокор, ўқ шунчаки ялаб ўтганини айтиб, ярани тикиб қўйганди. «Мен қонга беланган эдим. Эрим шифохонага олиб борди, у ерда ярадорлар жуда кўп эди, — деб ҳикоя қилади Ручаж. — Доктор менга ўқ чиқиб кетган деб айтиди ва яра ўрнини тозалаб қўйди. Ўшанда 28 ёшда эдим. Ўтган 12 йил мобайнида ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмадим.

● Албания ҳарбий госпитали бош нейрхирург Фатос Олдаши синчковлик қилмагани учун ҳамкасбини айбламоқчи эмас, чунки 1997 йил ҳали баён қилганимиздек, оддий, ташвишсиз пайт бўлмаган. «Ҳозир айтишга осон, лекин 1997 йили шариот умуман бошқача эди. Шифокорлар ўз оёғи билан келиб, гаплашиб турганларни эмас, жиддий жароҳат олганларни даволаш билан банд бўлишган», — дейди Олдаши.

● Шуниси ажабланарлики, бошида 6,35 миллиметр калибрдаги ўқ билан сербиялик 69 ёшли Миловое Пеневич ҳам 12 йилдан бери яшаб келмоқда.

Гулнигор САТТОРОВА

Қадриятларимиз

МЕҲР СОҲИБЛАРИ

Ўтганларни ёд айлаш, ёнимиздаги меҳрга ташна инсонларга ёрдам қўлини чўзиш халқимизга хос фазилатлардан. Ўтмишга нигоҳ ташлаш бугунимиз ва эртаимизни теран ва равшан англашга имкон беради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида эл тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида курашган мард ўғлонлар қаторида ноёб истеъдод соҳиблари бор эди... Уларнинг кўпчилиги урушнинг оғир зарбларига чап бериб, дориломон кунларни қарши олдики, санъатнинг турли йўналишларида эътиборга лойиқ асарлар яратишди ва бугунги кунда ҳам ижодларини давом эттиришмоқда.

Инсон хотирасига тарихни жонлантира олади. Шунинг баробарида у қадр, эъоз тушунчаларини ўзида шакллантира боради. Юртимизда анъана тусига айланган «Фахрий рассомлар» кўргазмаси ҳам бевосита маънавиятимиз билан алоқадор.

Ушбу мавзудаги кўргазма айни кунларда Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган бўлиб, бир ҳафта давом этади. Кўргазмада Г.Абдурахмонов, Р.Аюпов, И.Бахромонов, Е.Гадецкий, А.Донец каби қатор рассомларнинг ижод намуналари ҳамда М.Йўлдошев, А.Батиков, Р.Шарафуддинов ва Г.Серовнинг шахсий асар-

лари намойиш этилмоқда.

Ижод намуналарида ўз ифодасини топан тасвирлар рангларга қоришиб, мунгли наво таратаётганга ўхшайди. Санъатнинг ўзига хос «йўлакчаси»дан одимлаётган фахрийларга, уларнинг кўзларидаги шукроналик аломатларига қараб туриб, ҳаётни севиш, эртанги кунга умид билан боқиш каби эзгу тиллақлар қалбимизда жўш уради. Рассомларнинг кўпчилиги турли жанр, йўналиш ва услубларда ижод қилсаларда, уларни ягона туйғу — бадииятга бўлган улкан меҳр билан яратиб турибди. Ушбу меҳр санъатга ошuftа кўнгилларни сеҳрлаб қўйиши табиий. Бу эътироф ёши улғу инсонларни ҳаётлик чоғларидеяқ қадрига етиш ва уларни эъозлаш ҳиссини тафаккуримизда шакллантиради. Ушбу хусусият халқимиз қон-қанағи сингиб кетган анъана ҳисобланади. Зеро, хотира — олий қадрият.

Акмал ЖУМАМУРАТОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

Кун кеча Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Нотариат ва ФХДЕ бўлими ва Оила маросимлари маркази ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга кўп йиллар адлия тизимида, ФХДЕ ва Нотариат идораларида самарали фаолият юритган меҳнат фахрийлари тақлиф этилди. Бир пиёла чай устида, дилдан суҳбат қўрилган ушбу даврада устозлар ёшларга ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари, бой таърибалари, овоз ва обод юртининг истиқболли, бугунги дориломон кунларга етиб келганларига шукроналар айтиб тўлиб-тошиб сўзладилар.

— Хотира ва қадрлаш нафақат ўтганларни ёд этиш, балки биз билан бирга ёнма-ён туриб меҳнат қилган, ҳозирда эса кексалик гаштини суриб ёшларни панд-насихатлар билан тўғри йўлга солиб келаётган сиз азиз устозларни ҳам қадрлаш, эъозлаш демакдир, — деди жумладан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Хайридин Файзиев. — Сизнинг ибратли ҳаёт йўлингиз, заҳматли меҳ-

нат фаолиятингиз ўсиб келаётган ёш авлодга доимо ўрнак, тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади. Хамиша соғ бўлинг, яна узоқ йиллар сафимизда юринг.

— Хар йили Хотира ва қадрлаш кунига эл-юртимиз ривож ва фаровонлиги йўлида кўп меҳнати сингган устозлар билан дийдорлашамиз, — дей-

раб-авайлаш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан фахрийларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилиб, яна бир бора таъзим баҳо келтирилди ва кексаларнинг дуолари ижобат бўлишига тилак билдирилди.

Раньо КАРАБАЕВА, Оила маросимлари маркази мутахассиси

Тадбирлар

УСТОЗЛАР ЭЪОЗЛАНДИ

Хотирлаш ва қадрлаш каби оддий тушунчалар замирида энг муқаддас, эзгу туйғулар мужассам. Демак хотира мангу, қадр абадийдир.

АФЗЛ РАФИҚОВНИНГ ҲИТУВЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАР БИЛАН ҚИЗГИН МУЛОҚОТИ ТЕАТР ВА ЁШЛАР НИГОҲИ ҲАҚИДА КЕЧДИ.

— Эл севган машҳур актёрлар, шоирлар, адиблар ва турли соҳадаги етуқ мутахассислар билан ижодий кечаларни ўтказиб туришни анъанасига айлантирганмиз, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Р.Юсупов. — Бундай учрашувлар ёшлар онгини чарқлаб уларга маънавий озиқ беради, тафаккурини янада теранлаштиради. Маънавиятимизнинг юксалишида ҳам бу каби давра суҳбатларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хар ойда талабаларимизни шахримиздаги маъхуж театр томошаларига олиб борамиз. Театр ва ёшлар деб номланган бу учрашув эса нафақат талабаларнинг балки, устоз, ҳитувчилар қалбига ҳам кўтаринки кайфият бахш этди.

КЎНГИЛЛАРГА ДАРМОН МУҲАББАТ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН «КЎНГИЛЛАРГА ДАРМОН МУҲАББАТ» МАВЗУИДАГИ ТАДБИР КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ КУРС ТАЛАБАЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Тадбирда битирувчи курс талабалари ўзларининг мулоҳазали, мунозарали ва мушоҳадали фикрлари билан чиқдилар. Оила, севги, муҳаббат, урф-одат, анъаналар ва ўзбекона миллий қадриятларимизни камраб олган савол-жавоб тарзида ўтган тадбир барчага бир-

дай манзур бўлди. Айниқса бугунги кунда ёшларимиз орасида урф бўлиб кетаётган телефондаги СМС орқали севги изҳорларининг маънавиятимизга салбий таъсири, ўзбек қизларининг шарму ҳаёси, ибоси, кийиниш ва сўзлашув маданияти ҳақидаги фикрлар қизгин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди.

ЮТУҚЛАР САРҲИСОБИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С.СИРОЖИДИНОВ НОМИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР «КЕЧНИ БУГУНДАН ФАРҚЛАШ ПОЗИМ» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Тадбир академик лицей ҳаётидаги муҳим саналар, ҳитувчилар ва ҳитувчиларнинг қўлга киритган самарали ютуқларининг сарҳисоби сифатида ташкил қилинди. — Академик лицейимизнинг нуфузи ҳар доимгиданда анча юқори, — дейди мазкур лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлуба Турсунова. — Ўтган йиллар давомида қўллаб-қувватлаш билан олимпадалари, танловлар ва мусобақаларда қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Улар қўлга киритаётган ҳар бир ютуқ биз ҳитувчиларнинг меҳнатига берилган юксак баҳоидир. Иқтидорли ва истеъдодли ҳитувчиларимизнинг билимларини янада мустаҳкамлашларида яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз.

Тадбир доирасида лицейнинг фаол ҳитувчилари ўзларининг шеърлари, дилбар рақс ва қўшиқлари билан кечанин янада мазмундор қиқшини таъминлаб бердилар.

Гулнигор САТТОРОВА



Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар залида «Камалак жилоси» республика расмлар кўрик-танлови иштирокчилари ва голиблари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар. Бундай рағбат албатта болажонларнинг қалбига бир олам қувонч ва шодлик бахш этди. Жажжи санъатсевар ёшларнинг тасвирий санъатга меҳр-муҳаббатлари ҳамда иштиёқларини янада оширди.

СУРАТЛАРДА: танлов голибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.



Таълим масканларида ЮКСАК ИЖОД МАҲСУЛИ — УМРБОҚИЙ

ЯҚИНДА Ҳ.Ҳ.НИЁЗИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ, МАРҲУМ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 55 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОТИРА КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, шоир Миразим Аъзам ва Халима Жуманиёзовалар сўзга чиқиб, М.Юсуф яратган шеърларнинг халқчилиги, умрбоқийлиги, оддийлиги, одамлар юрагидан меҳр ила ўрин олганлиги ва юксак ижод маҳсулининг умрбоқийлиги ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

Хотира кечасида коллежини 1, 2, 3-курс ҳитувчилари «Комила қиз», «Кўкларим», «Уйкудаги қиз», «Хаблим олдинг», «Халқим», «Қизгалдоғим» каби шоир қаламига мансуб шеърлар асосида яратилган қўшиқларни маромига етказиб ижро этдилар. Савол-жавоб, шоир шеърларидан парчалар ва дилбар куй-қўшиқлар асосида ўтган хотира кечаси барча иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

ТЕАТР ВА ЁШЛАР

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, ДУБЛЯЖ УСТАСИ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ХИКМАТЛАР

Қолгай бориси ҳар на йиғиб, сан жафо чекуб, Бу бевафода ҳар на эрур бевафо, унут.

Ўлмасча қатиг ушламагил молу жоҳни, Умринг етишса мингга, бўлурсан фано, унут.

Ҳар ким келиб жаҳонга гирифтори хирсу оз, Нафсу ҳаво қўлида бўлур мубтало, унут.

Раънои боғи даҳр кўруб, емагил фариб, Сандек ҳазор тозагул этмиш адо, унут.

На етса айла шукру қаноатки, бандалик, Қуллуқ шудурки, бўлмаса сабру ризо унут.

Соқийи даврон санга гур сунса минг жоми мурод, Маст бўлма, бохирад бўлсанг, ўзинг хушёр тут.

Жаҳлдин номус қил, нодонлигингдин ор тут.

Кўп қувонма, кўрмишам деб неча ойу йил ҳаёт, Суд йўқтур, юз мунигдек бўлса беҳосил ҳаёт.

Келмагу кетмак гузаргоҳида, равшан бил муни, Қанчаким умринг кечар, бир лаҳзалик маъзил ҳаёт.

Аҳли дилга суҳбати донои дарёдил, ҳаёт.

Бир гулунг бехор йўқтур, эй риёзи мумкинот.

Бахру бар тасхиринг ўлса, симу зар хоки раҳинг, Минг Сикандар бўл, қани мулки бақо, оби ҳаёт?!

Кори дунёи бемадор, абас, Қилмасанг мунда яхши кор, абас.

Гул умидида орзу чамани, Чектурур санга ранжу хор абас.

Булбули нозик адоға ёр бўлмас зоғ ҳеч.

Хок бўлмоқ одам ўлмоқликнидур сармояси, Бу сафарда айлаган суду зиёним, ким билур? Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Бугунги кунда бу Фармонлар болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон андозалари даражасида қад ростлаётган спорт иншоотлари, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган зарур жиҳозлар билан таъминланаётгани фикримиз далили бўла олади. Бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалда оширилмоқда. Жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан болалар спортини ривожлантириш, айниқса қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароит ва имконият яратиш, спортда катта ютуқларга эришиб тенгдошларига ибрат кўрсатиб келаётган спортчи ёшларни рағбатлантириш, янги спорт иншоотларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, нуфузли спорт мусобақаларини ташкил этиш борасидаги ютуқ ва кўрсаткичлар салмоғи ҳам жамғарма фаолияти ҳақида ижобий фикрларни туғдиради албатта.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Собир Раҳимов туман бўлими томонидан яқинда Тошкент шаҳарининг 2200 йиллиги муносабати билан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган туман аҳолиси қамраб олинган марафон бўлиб ўтди. Спортнинг юрғириш тури бўйича бўлиб ўтган ушбу мусобақада тумандаги коллеж ва мактаб, лицей ўқувчи-ёшлари ҳам фаол иштирок этдилар. Туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими каби бир қатор ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу марафонда 1000дан ортиқ аҳоли иштирок этган бўлса, ғолиблик 242, 233- мактаб жамоасига насиб этди ва компьютер билан тақдирланишди. 191, 28, 249 ва 1- умумтаълим мактаблари ўқувчиларига эса рангли телевизорлар топширилди. Шунингдек, тумандаги «Намуна» болалар спорт мажмуасида тумандаги 24-Меҳрибонлик уйда таълим-тарбия олаётган ёшлар ўртасида спортнинг футбол, бадминтон, стол тенниси ва шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилиб, совринли ўринларни эгаллаган болаларнинг ҳомиёлигини қимматбахо совғалари билан тақдирландилар. Яна тумандаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбирларида «Намуна» ва «Истиқлол» болалар спорт мажмуаларида мунтазам спорт билан шуғулланувчи болаларнинг иштирок этиш уларнинг кўргазмалли чиқишлари борчага манзур бўлди. Бундан ташқари

Жамғармалар фаолиятидан

МУСОБАҚАЛАР — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига ошно этиш ва спортга меҳр-муҳаббатни синдириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, Ватанга садоқатли, келажакка ишончи бор, баркамол авлодни тарбиялаш, болалар орасидан истеъдодли спортчиларни танлаб олиш ва улар қобилиятини ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2002 йилнинг 24 октябрида «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳақида»ги, 2004 йил 29 августда эса «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлар қабул қилинди.

улар спортнинг арқон тортиш, шахмат-шашка ва варрак учиретиш турлари бўйича беллашиб мусобақада ғолиб бўлганлар жамғарма томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тошкент Давлат техника университети ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган сайилда спортнинг кураш, шахмат-шашка, югуриш, арқон тортиш ва миллий ўйинларимиз асосида бўлиб ўтган мусобақа ҳам низоҳатда қизиқарли ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Барча ғолиблар жамғарма томонидан ажратилган қимматбахо совғаларга эга бўдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики бундай соғломлик ва яхши кайфият гарови бўлган мусобақалар жамғарма бош мутахассислари томонидан жойларда мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Асосий эътибор Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига қаратилмоқда. Республикаимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим шартли бўлган болалар спортини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилиб бу борада 2009 йил 16 январда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг



йиғилишида ҳам мазкур йўналиш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилди. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш, Халқ таълими вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, қуриб фойдаланишга топширилган спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, шу орқали ўқувчи-ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Мана шу мақсад йўлида яқинда Учтепа туманидаги «Журжоний» болалар спорт мажмуасида 30 ва ундан катта ёшдаги умум-

таълим мактаблари ўқитувчилари орасида спортнинг волейбол тури бўйича туман ва шаҳар босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Шундай спорт мусобақалари бошқа туманларда ҳам режа асосида мунтазам ўтказилиши белгилаб қўйилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан асосий мақсад соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш экан жамғарма томонидан ушбу мақсад йўлида аниқ ва режалар ишлар олиб борилмоқда. Ушбу хайри ишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: спорт мусобақаларидан лавҳалар.

Мутахассис маслаҳати

ДАВО УСУЛЛАРИ КЎП

Оғиздан ёмон, қўланса ҳиднинг келиши тиббиётда галитоз деб аталади. Ер шарининг ярмисидан кўп аҳолиси бу муаммодан азоб чекади.

Кўп кўз болалар, ўзларини йиғилар ушбу муаммо борлигини сезмайди, чунки улар бунга ўрганиб қолган. Лекин бу ҳолатни уларнинг ўртоқлари, ҳамкасблари яхши билишади, ор, номус деган тўшунчалар уларни гапига олмастликка даъват этади. Баъзи ёшлар ялғизли сабаб чўйинаса-да лекин бу ҳолат йўқлиб кетмайди.

Бунинг сабаблари эса қўйилмайдиган иборат. Биринчидан галитоз ошқозон-ичак тракти фаолияти бузилганда ёки ўт пухталиги шамоллашдан келиб чиқади. Иккинчи сабаб, милкларнинг сунжукали ялғизланиши, тишдаги коваклар ва уларнинг атрофида ҳар хил патоген микроблар қўлайлиб келишидир. Бундан ташқари сунжукали тонзиллит, ларингит, фарингитлар ҳам бундай ҳолатга сабабчи бўлади.

Асосий сабаблардан яна бири бу қандли диабет ва сил касаллигидир. Галитоз билан илтироб чекаётган инсон биринчи навбатда шифокор терапевтга учрашиши ва маслаҳат олиши зарур. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, бундай беморлар ўз жасталигига бефарқ бўлишади, йиллаб даволанмайди, натижада касаллик зурайд кетади.

Бундай ҳолатда қўйидаги даволаш усулларидан фойдаланиш. Биринчи навбатда бу ҳасталикда парҳез тутиш катта аҳамиятга эга. Бунда ошқозон-ичак тизими фаолиятини тартибга солиб оласиз.

Кўришган таомлардан воз кечинг, консерва, дудланган махсулотларни, ҳар хил рангли ичимликларни истеъмол қилманг. Сунжий бўёқли қўшимчалар ошқозон-ичак тракти микро-флорасини бузиб, организмга керак бўлмаган нарсаларни танада қолдиради. Кўпроқ хом меваларни истеъмол қилинг, уларни янги сижилган шарбати фойдаландир. Қўпинча оғиздан ёмон ҳид келиши организмдаги диобактериоз билан боғлиқ, ундан қулулш учун ҳар кун бифидокефир ва бифидобюгурт ичинг.

Юқорида айтилганидек, сунжий ичимликлар (фанта, спрайт, кока-кола ва бошқа ранглилар) ичманг. Агарда оғиздаги ҳид қорин оғриғи, ҳаво йиғилиши билан кечса, гўлгит еманг, айниқса қўй гўшти, қазин-қарта, нўхот, чой, кофе ва ёғли қандолат махсулотлардан парҳез қилинг.

Агарда гайморит ёки сунжукали тонзиллит оғзингиздаги ҳидга сабабчи бўлса, унда пахта ёки ёрдан беради: бунинг учун пахтани шу ёта бўқтириб гайморитда ҳар бир бурун тешигига 1 томчи томизинг. Гингивит, яъни милкларнинг ялғизланган бўлса, ялғизли эфир мойини олиб, ярим пиёла сувга 1 томчи солиб кўнига 2 марта гарғара қилинг.

Қўйидаги табобат усуллари ҳам маъқул.

- 1. 3 та ош қошиқ ромашкани олиб 1 пиёла қайноқ сувда дамланади. Довдан сунжи гарғара қилинади.
2. Кўчли антибактерия таъсирига эман дарахтининг пўстлоғи эга. Бунинг учун 1 ош қошиқда пўстлоқни майдалаб 1 пиёла қайноқ сувга солинади. 30 дақиқадан сўнг сузиб олинади ва оғизни 3 марта чайилади.
3. Гингивит ҳасталиги бўлса, далаочий гиёҳ яхши ёрдан беради. Бунинг учун 2 ош қошиқ далаочий қайноқ сувга дамланади ва кўнига 3 марта оғиз чайилади.

Агарда юқорида кўрсатилган халқ табобат усулларидан сўнг оғзингиздаги ҳид қайнамаган бўлса, шифокорга мурожаат қилинг. Маълумки доимий галитоз сил, қандли диабет ва сийдик тизими касалликларидан пайдо бўлади. Ўз-ўзиндан маълумки йилга 2 марта стоматолог шифокорга учрасангиз мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган тавсияларга амал қилсангиз, нафасингиз хушбўй ва энг асосийси тоза бўлади. Сизнинг соғлигингиз — ўз қўлингизда. Тоҳир ИБРАГИМОВ, олий таълим факультети шифокор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Яқкасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур: а) комиссия номига ариза; б) паспорт нусхаси; в) шахсий варақа (сўровнома); г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма; ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юқлатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома; з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 16 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қўйилмоқда: 1. Аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 24.11.2008 йилдаги 110-0817/1162417-сонли икки варақасида асосан халтанган, Тошкент вилояти, Қўбрат тумани, «Лёсс Пром Базис» саноаткорлигида соқланган, з/р 908008, и/ч қуввати 2,3м³/мин, ёмони 19,6 МТА бўлган, 2008 йилда Украинада и/ч. УБ-2, 3-200 ТУ 29.1-23203562001 блокни компрессор қурилмаси (Установка компрессорная блокная) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 86 186 400 сўм. 2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Учтепа туманлар судининг 08.08.2008 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан халтанган, Божона автотранспортида соқланган, «BA3-21013» русумли, д/р йўқ, 1981 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 350 193 сўм. 3. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХК 07.02.2008 йилдаги икки ҳужжатга асосан халтанган, Ўзбекистон Республикаси МХК автотранспортда соқланган «Октя Вестра» русумли, д/р йўқ, и/ч номиналь автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм. Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ишторида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхта-тилди. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатда икки ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАКБ-Илҳак йўли банк» Савдон ф-даги қўйидаги жисб-рақамга тулашларни шарт: х/р: 20210000300571452114.М.Ф.О: 01036. ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rfbm.uz Савдоларга марҳамат!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги Малака комиссияси қарорига асосан Яқкасарой туман 1-сон давлат нотариал идора нотариуси Ирода Деханбаевна Рустамовага 1998 йил 30 декабрда берилган TN 000105 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

2009 йил 1 майдан бошлаб «Ўзбек давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки Илк бор! Бизда меҳмонда! МАЙ ОЙИДАГИ МОСКВА Халқаро театрлаштирилган цирк шоуси Москва ва Ҳамдўстлик мамлакатлари артистлари, шунингдек, «Қийиққ ойна» театрининг юлдузи ОБИД АСОМОВ Шошилинг! Чинтавлар цирк классикасида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шевда тўлашми мумкин. Касса соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3752 нусхада босилади. Қороз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6